

3



Анора БОБОМУРОДОВА:
ОЛТИН ТУПРОҚЛИ
ЮРТНИНГ
САОДАТЛИ
ОНАЛАРИМИЗ

Ўлмас РАСУЛОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:
**ҲАҚИҚИЙ ҲОФИЗ
ГЎЗАЛ ТАРБИЯЧИДИР!**



4

6



ЁЛФОННИНГ ЖАВОБИ

АНДИША
кўзда ҳам, сўзда ҳам
бўлмаса



8

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Бола кулса — олам кулади

УШБУ СОНДА:

«Ахборот ойна»лари сони ошмоқда	2
Ревматизм ёш танламайди	5
Музқаймоқнинг фойдаси ва зарари	5
«Яширин рақам» очилгач, бир оила барбод бўлди	7
Олтин автомобиль: рекламами, ёки?	7

ҲИКМАТ

Оилани муқаддас бил-
маганлар учун муқаддас
нарсанинг ўзи йўқ!

Ўткир ҲОШИМОВ

Ватан маҳалладан бошланади

АҲИЛЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК
БАРҚАРОР МАНЗИЛ

Бугун Шахрисабз туманининг кўрки ўзгача, бир-биридан файзли кўча-ю гузарлар, янги қурилган ёки қайта таъмирланган ҳашаматли бинолар, меъморий ёдгорликлар, кўп ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари юрт ободлиги, тинчлик-осойишталикнинг ҳаётий ҳикматини ёрқин ифода-лаб турибди. Кўҳна Оқсарой мажмуаси олдида ўтарканмида, уни томоша қилаётган Франциялик сайёҳларнинг ҳайратиди ҳам ана шу ҳикмат акс этганини ҳис қилдик. Бу қадимий манзилда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари Шахрисабзнинг янада чирой очилиши, бекиёс ҳайратларга боис бўлишини англатиб турибди.

— Қай бир маҳаллага борсангиз, шу гўшага файз бағишлаб қилинаётган эзгу савий-ҳаракатлар, ободонлаштириш ишларига гувоҳ бўласиз, — дейди суҳбатдошимиз “Сариосиё” маҳалласи раиси Нўмон ака Узоқов. — Ҳозирда ма-

— Маҳалла нафақат аҳоли истиқомат қиладиган жой, балки ажойиб тарбия маскани ҳамдир, — дейди “Пиллакаш” маҳалласи маслаҳатчиси Мактуба опа Шоназарова. — Меҳнат фаолиятининг йигирма йилдан зиёди маҳалла ишлари



ҳалламизда 4200 нафар аҳоли 703 та хонадонда тинч-осойишта кунларимиз шукронасида умргузаронлик қилишмоқда. Уларнинг 2200 нафари хотин-қизлардан иборат. Асосийси, маҳалламизда меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг барчаси иш билан таъминланган. Худудимида жойлашган ҳар бир

корхона ва ташкилотлар коллеж битирувчиларини, олий ўқув юртини тамомлаган ёш мутахассисларни иш билан таъминлаб, ҳар бирининг ҳаётда ўз ўрнини топишида амалий ёрдам кўрсатмоқда. Биргина мисол, айни пайтда “Кўҳинур” тўйхонаси 20 га яқин кишини иш билан банд этган.

— Бу ерда ўз ишининг устаси бўлган касаначи ва хунармандларимиз кўп, — дейди маҳалла маслаҳатчиси, “Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” республика кўриктанлови 2-ўрин соҳибаси (2012 йил) Тамара опа Орипова. — Касб-корини пухта билган, ҳалол меҳнат қилган киши барчага наф келтиради, хонадонидан ҳам файз-барака аримайди. Яна бир жиҳати, кўплаб шогирдлар улардан ўрганиб, ўзи меҳр қўйган касб-корнинг устаси бўлишади.

Маҳалламизда ташкил этилган “Ота-оналар университети”да “Ҳар бири болага етти кўшни ота-она” широри остида иш олиб бораёпмиз. “Ораста қизлар давраси”да қатнашаётган 15 нафар фаол қиз ўз тенгдошларининг ўқиш ва ишларида кўмаклашишади. Маҳалладошларимиз ўртасида бир-бирига бўлган меҳр-оқибат туйфайли, мана беш йилдирки, бирор-бир салбий кўрсаткичлар кузатилмади. Аслида кишига ён-атрофдагиларнинг эътибори борлиги, унинг қувончу ташвишига бефарқ эмаслиги, яқин инсон каби қарашларини ҳис қилиш ўзини ҳам бошқаларга нисбатан шундай инсоний муносабатда бўлишга ундайди. Бу энг муҳим фазилат эканини барчамиз бирдай англамоқдамиз ва буни ёшларимиз онгу шуурга сингдиришининг эса ҳаётий аҳамияти бор.

билан кечди. Сирасини айтганда, маҳалла ҳаётида нафақат фуқаролар йиғини масъулларининг, балки оқсоқолу посбондан бошлаб, эндигина дунёга келган гўдақнинг ҳам таъсирчан ўрни борлигини тажрибадан ўтказдим. “Пиллакаш” МФЙда 3679 нафар аҳоли истиқомат қилиб, шундан 1896 нафарни хотин-қизлар ташкил этади. Аёллар уй-рўзгор кам-кўстини тўлдиришда эркакларга кўмаклашиш билан бирга, фарзандлар тарбиясига ҳам масъул эканликлари хусусида доимий фикрлашиб тураемиз. Тарғибот тадбирларимизни олиб боришда худудимида кўп қаватли уйлар жойлашганлигини назарда тутамиз, албатта. Табиийки, маҳаллада ёшлар унибулғайишади. Кимдир қиз узатса, кимдир ўғил уйлантиради. Айниқса, тўй-ҳашамларни ортиқча дабдабасиз, камчилик ўтказмаётганимиз кўпчиликка маъқул. Оила қуриш истагидаги бўлғуси келин-куёвлар тўйдан аввал ФХДЁ бўлимларига ариза беришиб, тиббий кўриқдан ўтишади. Иккинчи томондаги қудалар билан тўйда дабдабозлик бўлмагани “кимўзар”лик қабилида иш тутмаслик ҳақида маҳалламиз фаоллари иштирокида ўзаро келишиб олишга одатланганимиз.

Ўз худуди жиҳатидан анча катта, тадбиркор одамлари билан туманда донг таратган “Шаматон” қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам кўплаб ибратли ишларнинг гувоҳи бўлдик.

Ҳар тарафи тўтзорлару гулзорлардан иборат худудда “Оммагон”, “Ўртақўрғон”, “Сарой” маҳалла фу-

қаролар йиғинлари ва “Болта Фозиев”, “Навоий” фермерлар уюшмалари мавжуд. Аҳоли сони жиҳатидан туманда олдинги ўринларда турадиган бу масканда 25 минг 500 нафар киши 4137 та хонадонда истиқомат қилади. Бу ерда асосан пахта, ғаллачилик, чорвачилик билан шугулланишади.

— Қаерда аҳиллик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлса, ўша манзилда тўкинчилик, фаровонлик бўлади, — дейди “Шаматон” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бозор ака Эшдавлатов. — Маҳалладошларимизнинг рўзгорлари бут, дастурхонлари тўкин бўлишида тадбиркорларнинг улуши катта бўлаётир. Худудимида 37 та тадбиркорлик субъекти, 31 та касаначи фаолият юритяпти. Қишлоғимиз тобора обод бўлиб бораётгани кўзни қувонтиради. “Лоллистон” мавзесида бунёд этилган 140 та, Янгиобод худудидаги 80 та намунали уйлар бунёд этилаётгани қишлоғимиз хуснига хусн қўшмоқда.

Жорий йил бошида тадбиркор Насиба опа Тўраева аёлларимиз учун замонавий маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этди. Унда арзон ва қулай нархларда келин-куёвлар учун кийим-кечақлар, миллийлик уйғунлаштириб тайёрланган тўй либослари ҳамда замонавий либослар бор. Бу ерда жами 20 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлса, ҳозирда 13 та янги иш ўрнида асосий иш билан банд бўлганлар коллеж битирувчилари экани эътиборга молик. 2006 йили ҳамқишлоғимиз, таниқли механизатор Баҳодиржон Ғиёсов Президентимиз Фармони билан давлатимизнинг олий мукофоти — “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлганлиги барчамизни қувонтирди. Ёшларимиз спортда ҳам ўрнат



кўрсатиб келишмоқда. Агросаноат коллежи талабаси Бахтиёржон Саидов спортнинг енгил атлетика йўналишида 100 метрлик масофага югуринишда муваффақият қозониб, Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Мазкур қишлоқ фуқаролари йиғинига қарашли 27 гектарлик майдонда турли мевали қўчатлардан барпо этилган боғ яшнамоқда, ток қўчатлари парваришланаётган 54 гектар майдон ҳам ҳадемай шириншарбат мевалар бериб, ҳаммани хушнуд этгучи узумзорга айланади. Ҳаёт рамзи бўлган яшилликка бурканган бу гўшада орзу-мақсадлар шу боғлар каби яшнавереди.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Кашқадарё вилояти.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР
КҮМИТАСИДАЯНГИ ИМКONIЯТ
ЭШИКЛАРИ
ОЧИЛЯПТИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Европа Иттифоқининг “Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбааларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар” номли лойиҳаси доирасида республикамизнинг бешта маҳалласида “Ахборот ойна”лари ташкил этилди.

— Мазкур лойиҳа “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган эди, — дейди лойиҳанинг миллий координатори Элбек Саидов. — Европа Иттифоқининг Институционал ривожлантириш ва ҳамкорлик дастури доирасида Италиянинг Милан шаҳри Савдо-саноат, хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги палатаси қошидаги “Формапер” агентлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Литвадаги Ижтимоий инновациялар жамғармаси, Испаниядаги “Аёллар мулоқот ва таълим учун” ассоциацияси ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ҳамда аёллар ва ёшларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда ва аҳоли бандлигини таъминлашда кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Айни пайтда мамлакатимиздаги бешта маҳалла фуқаролар йиғинлари — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги “Фуркат” ва “Истикбол”, Тошкент вилояти Чирчик шаҳридаги “Гулзор”, Қўбрай туманидаги “Зебунисо” ҳамда Тошкент шаҳридаги “Кўкча Оқтепа” маҳаллаларида ўқув семинарлари ташкил этилди, уларнинг барчаси замонавий компьютер технологиялари билан таъминланди.

Айни пайтда маҳаллаларда ўз ишини бошлаган “Ахборот ойна”лари орқали хотин-қизларга хусусий тадбиркорликни бошлаши учун кўмаклашиш, бизнес режа тайёрлаш ва уни микрокредитлаш, тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳамда тегишли ташкилий, молиявий, солиқ масалалари бўйича маслаҳатлар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилаётган имкониятлар ҳақида аниқ ва тўлиқ ахборотлар бериб борилади. Шу мақсадда худудлардаги маҳаллий ҳокимият, хотин-қизлар кўмиталари, “Микрокредитбанк” ОАТБ, Савдо-саноат палатаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Тадбиркор аёл” ассоциацияси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, солиқ ва адлия идоралари вакилларидан иборат жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилган.

Тошкент шаҳридаги “Кўкча Оқтепа”, Тошкент вилоятининг Чирчик шаҳридаги “Гулзор” ҳамда Қўбрай туманидаги “Зебунисо” маҳаллаларида истиқомат қиладиган хотин-қизлар тикувчилик, деҳқончилик, чорвачилик, мева ва सबзавотларни қайта ишлаш ва бошқа йўналишлар бўйича тадбиркорликни йўлга қўйиш тараддудини бошлаб юборишди.

Мазкур лойиҳа доирасида ташкил этилган “Ахборот ойна”ларининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Ўз муҳбиримиз.

Анора БОБОМУРОВОДА,

Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси:

ОЛТИН ТУПРОҚЛИ ЮРТНИНГ САОДАТЛИ ОНАЛАРИМИЗ

Сухбатдошимиз — Анара Явқотиевна Бобомуродова Навоий вилояти, Навбахор туманида туғилган. 1984 йил Бухоро давлат университети (собиқ Бухоро давлат педагогика институти)ни тамомлаган. Педагогика фанлари номзоди. 2005 йил «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.

Оилали, турмуш ўртоғи Самандар Эргашев билан икки нафар қизни воёга етказишди. Фарзандлари олий ўқув юр்தларини тамомлаб, ҳаётда ўз ўрнини топган.

— Анара Явқотиевна, мустақиллик йилларида тиббиёт, санъат, фан, таълим, спорт ва бошқа барча соҳаларда ўзига хос янгиланишларнинг гувоҳи бўляпмиз. Оилаларимиз фаровонликка эришмоқда. Кувонарлиси, амалга оширилган ишлар, кўлга киритилган ютуқларда юрагимизнинг туб-тубидаги орзу-умидларимиз рўёбини кўряпмиз.

— Истиқлол йилларида ўзлимизни англадик, миллий кадрларимизни қадрлашни ўргандик, энг муҳими, шахс сифатида жамиятда ўз ўрнини топдик. Орзу-умидлар рўёби ҳақида гапирдингиз. Биз мактабда ишлаб юрган кезларимиз Навоий бобомизнинг муқовалари қирилган, саргайган қоғозларда чоп этилган, ичидан ҳатто чиroyилроқ расмлари ҳам бўлмаган китобларини болаларга ўқитар эдик. Буни қарангки, мустақиллик йилларида нафақат Алишер Навоий бобомизнинг, балки кўплаб алломаларимизнинг асарлари жуда чиroyили ва ажойиб беақли тўпламлар шаклида чоп этилди. Мутафаккир болаларимиз чин маънода қадр топди. Ўзимизни буюк халқ фарзандлари сифатида таниб, қаддимизни кўтардик.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, билим ва салоҳиятини юксалтириши, ижтимоий ҳаётда фаол бўлиши учун яратилган имкониятларга эришиш момоларимиз, оналаримизнинг юраги тубида ушалмас орзудек гап эди. Эндиликда сиёсий майдонларда, жамият ва давлат курилишида фаол қатнашмоқдамиз. Кўппартиявийлик асосида ўтаётган сайловларда хотин-қизларимиз ўз маъкейга эга. Шунингдек, мустақиллик йилларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аёллар ўртасида тадбиркорлини ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ва давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг хонадонларига ҳам ўзига хос янгиланишлар ва фаровонлик кириб борди.

— Оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ва давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг хонадонларига ҳам ўзига хос янгиланишлар ва фаровонлик кириб борди.



тириш, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, оилавий спортни ривожлантириш борасида вилоятда амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Бу борада Давлат дастурларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, тизимли ишларни йўлга қўйганмиз. Худудларимизда фаолият юритаётган оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларида бугунги кунда ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика ишларини олиб бориш учун барча ша-роитлар етарли. Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Оилаларда тиббий маданиятни ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фондидининг вилоят бўлими ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан бирга аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари айниқса, яхши самара бермоқда.

Аёллар ва қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, оилавий спортни ривожлантириш мақсадида турли спорт турлари бўйича вилоят биринчиликлари, очик чемпионатлар ўтказиб келинмоқда. Айни пайтда вилоятда фаолият кўрсатаётган спорт секцияларида жами 83829 нафар аҳоли мунатазам равишда шуғулланиб келаётган бўлса, шундан 32529 нафарини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Қизларимизнинг мусобақа ва чемпионатларда кўлга киритаётган ютуқлари ҳам кувонарли. Республика чемпионатларида иштирок этиб, ғолиб бўлган 5 нафар спортчи қизимиз — Шалола Мирзаева (эркин кураш), Шаҳноза Мусаева (волейбол), Юлдуз Норматова (таэквондо ВТФ), Нафиса Умарова (оғир атлетика) олий ўқув юр்தларига имтиёзли ўқишга кириш имко-

ниятига эга бўлди.

Жорий йилда «Соғлом бола — соғлом она» шiori остида ўтказилган «Аёллар спорт фестивали»нинг туман ва шаҳар босқичларида 4000 нафардан ортик, вилоят босқичида эса 300 нафардан ортик хотин-қизлар фаол қатнашдилар.

— **Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар фаолияти бугунги кунда ривожланди. Вилоятда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида қандай ютуқларга эришилди?**

— Муҳтарам Президентимиз юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб аёлларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. Якка тартибда иш бошлаган кўплаб тадбиркор аёлларимиз ўтган давр мобайнида фаолиятини кенгайтириб, атрофига ўнлаб, юзлаб ҳамюртларимизни жалб этиб, мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб улуш қўша оладиган даражада йирки тадбиркорлик субъектларига эга бўлишди. Нурота туманидаги «Наврўзбобо» фермер хўжалиги раҳбари Сурайё Наврўзовани ана шундай фидойи ва тиниб-тинчимас аёлларимиздан бири деб айта оламиз. Бу тадбиркоримиз айна пайтда Украинадан зотдор қорамолларни келтириб, чорвачилик йўналишида фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, «Осиё» хусусий корхонаси раҳбари Гулчехра Бердиева, «Навоий-Қизилқум барака» МЧЖ раҳбари Гуландом Жумаева каби ишбилгич аёлларимиз жуда кўп.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бошқармаси, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, вилоят савдо-саноат

палатаси, Микрокредитбанк ОАТБ вилоят бўлими ҳамкорлигида туманларда «Тадбиркорлик фаровон ҳаёт пойдевори, банклар — обод турмушимиз гарови» мавзусида амалий семинарлар ўтказиб келинмоқда. Вилоятда жорий йилнинг январь-июнь ойларида аёл тадбиркорларга, шунингдек, ишловчиларининг камида 50 фоизини аёллар ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 15 млрд. 252 млн.сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Конимех туманидаги Конимех қишлоқ хўжалик коллежида «Тадбиркорлиқнинг афзалликлари», «Шўркўл» маҳалласида «Ёшларни бизнес юртишга ўргатиш», «Юксалиш» маҳалласида «Молиявий ресурсларни тўғри тақсимлаш» мавзусидаги давра суҳбатларининг самараси жуда яхши бўлмоқда. Нуроталик коллеж битирувчиси Гулжаҳон Исломова ва у каби бир гуруҳ қизларимиз тадбиркорлик йўналишида иш бошладилар. Шу маънода бугунги ёшларга жуда ҳавасим келади. Уларнинг билим олишлари, иқтидорларини намойиш этишлари учун мамлакатимизда жуда катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Вилоятимиздаги мактаблар, таълим муассасаларига борсангиз кўргазмалли куруллар, замонавий технологиялар билан жиҳозланган синфхоналар, улуг ўзвучиларимиз, алломаларимиз асарларини ўзида мужассам этган ахборот-ресурс марказларини кўриб кўзингиз кувнайд.

Замонавий технологияларни ўзлаштирган ёшлар ўз хонасида ўтириб, интернет тармоғидаги маърифий сайтлардан маълумотлар олиб, билимларини кенгайтиришмоқда. Энг чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган фарзандларимиз ҳам бугун Ўзбекистон Миллий кутубхонасига интернет орқали боғланиб, нодир китобларнинг электрон вариантларини олиб ўқиш имконига эга бўлишди. Биз билан тенгқур авлодларнинг тушига ҳам кирмаган бундай шaroит ва имкониятлардан фарзандларимиз кенг фойдаланиб, кўплаб ютуқларга эришмоқда.

— **Сизнингча, жамият ҳаётида ўз ўрнини топиши учун аёлдан қандай фазилатларга эга бўлиш талаб этилади?**

— Биринчи навбатда аёл маънавиятли бўлиши керак. Атрофга қараб яхши ишлардан ибрат олиб, камчиликларни кўрганда улардан тўғри хулоса чиқариб, иш жойида ҳам, маҳаллада ҳам, оилада ҳам ақли-фаросати билан

Эътироф

бошқаларга ибрат бўлса, қайси соҳада ишлаша ҳам муваффақиятларга эришаверади. Бундай яхши фазилатлар шаклланишида оила ва маҳалланинг ўрни жуда муҳим. Болаликдан Ватан, Она, Меҳр, Яхшилик каби сўзларни ҳар бир ўғил-қизнинг қўлига сингдириб боришимиз шарт. Қай бир оилада тоза ва соғлом муҳит бўлмаса, фарзандлар юрагида катта оғриқлар, кемтикликлар билан воёга етиши мумкин. Аёллар оилаларни ана шундай оғриқлардан ҳимоя қилишда энг катта куч ҳисобланади.

— **Мамлакатимизда энг улуг ва энг азиз байрам Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги шодиёналарини кенг нишонлашга қизгин тарадуд кўрилаётган шу кунларда кўнглингиздан қандай ўйлар кечмоқда?**

— Мустақиллик биз учун чин маънода улуг неъматдир. Бугун Навоий вилоятига келган одам ўзгариш ва янгиланишларни кўриб лол қолади, десам муболага бўлмас. Айниқса, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ўтказилиши арасида вилоятимиз бутунлай янгича қиёфа касб этди. Марказий ўйингоҳ, «Ёшлик» спорт мажмуи каби замонавий спорт иншоотлари, ошхоналар, меҳмонхоналар, ёпиқ сузиш ҳавзалари фойдаланишга топширилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида вилоятимизда 110 гектардан иборат майдонда замонавий истироҳат боғи ишга туширилди.

Биз улуг байрамимизни оналаримизни севгандек, ардоқлагандек севиб, ардоқлаб нишонлашимиз керак. Онаимиз биз учун азиз ва яккаю ягона бўлганидек, Ватани ҳам ҳеч қандай бойликка алмаштириб бўлмайд.

Борар еримиз, бош урар маконимиз мана шу азиз тупроқ. Истиқлол йилларида фарзандларимиз ўзлари учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, мамлакат микёсида ва халқаро майдонларда катта-катта ютуқларга эришмоқдалар. Қалбимиз фахр ва ифтихорга тўлиб, биз аёллар — мана шу олтин тупроқли заминда Саодатли Она макомига эришдик. Шундай экан, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканини унутмаслигимиз, катта масъулият билан ишлашимиз, Истиқлол ўз-ўзидан қўлга киритилмагани, ўтган 23 йил давомида қадам-бақадам эришилган ҳар бир ютуқ замирида жуда катта меҳнат ва машаққатлар ётганини фарзандларимизга тушунтиришимиз, англантишимиз лозим.

«Оила ва жамият» муҳбири Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА суҳбатлашди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда тайёрланди.

Ажойиб бастакор, ҳақиқий устоз Ўлмас Расулов яратган мингга яқин мумтоз куй ва кўшиқлар мухлисларнинг қалбига доимо завқ ва хушнудлик бағишлаб келади. У ижро этган “Фигон-1”, “Жавоний”, “Мўғулчайи бузрук”, “Насри ушшоқ”, “Насри сеғоҳ”, “Мухаммаси бузрук” каби мумтоз кўшиқлар Франция, Голландия ва бошқа бир қатор хорижий мамлакатлар санъат ихлосмандларининг ҳам ҳайрати ва эътирофига сазовор бўлганлиги бежиз эмас.

**Ўлмас РАСУЛОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:**

ҲАҚИҚИЙ ҲОФИЗ ГЎЗАЛ ТАРБИЯЧИДИР!

— Ўлмас ака, инсон умрининг қай палласида бўлмасин, ҳамиша болалигини ширин бир энтикиш билан эсга олади. Унинг келажакка бўлган қизқиши, орзу ва мақсадлари ҳам айнан шу даврда пайдо бўла бошлайди. Оила ва маҳалладаги муҳит маълум даражада инсон тақдирини йўналтиради, дейиш мумкин. Сухбатимиз аввалида, болалик хотирларингиздан сўзлаб берсангиз.

— Болалигим Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги Қатортол қишлоғида ўтган. Отам жуда меҳнаткаш инсон, уста темирчи эдилар, қассоблик ҳам қиларди. Маҳалладаги кўпчилик отамдан маслаҳат сўрашларини кўп кузатардик. Онам иккови бир этак фарзандларни вояга етказишди.

Қишлоғимизда дутор чалишни билмайдиган, кўшиқ айтмайдиган ёки рақсга тушолмайдиган биронта киши йўқ эди. Менинг санъаткор бўлишимда қишлоғимиздаги муҳит, у ернинг шинаванда аҳолисининг ўрни жуда катта. Онамнинг айтишларича, уч-тўрт яшар пайтимда узок вақт давомида қаттиқ бетон бўлаверганим боис кўзларим кўрмай қолган. Ота-онам мени кўплаб шифокорларга кўрсатишган, ҳатто Одессагача олиб боришган экан. Эсимни таниганимдан буён куёшининг чиқишини, гулларнинг рангларини, ой нурларини овозлардан топишга ҳаракат қиламан. Етти ёшга тўлганимда отам мени Бухородаги кўзи оғирлаб мактаб-интернатга ўқишга олиб борди. Буни қарангки, у ердаги деярли барча ўқитувчилар соз чалишни, ашула айтишни ёқтиришарди. Ўн уч ёшимда гижжақ чалишни ўргандим. Мактабни битиргач, Бухоро мусиқа коллежида таҳсил олдим. У ерда раҳматли Хикмат Неъматов, Аҳмад Ихтиёров, Марк Аҳмадовлар, консерваторияда эса Рихси Ражабий, Исоқ Ражабий, Фахриддин Содиқов, Маҳмуджон Мухамедовлар менга устозлик қилишди. Ўзбекистон Давлат консерваториясининг “Анъанавий ижрочилик” бўлимида ўқиган кезларимни эсласам, қалбимни бир энтикиш эгаллайди. У ерда менга жуда меҳрибон Абдурахмон, Йўлдош, Наимжон исми жондан азиз

дўстларим бўлишган. Улар ҳамиша мен билан бирга эдилар, китоблар ўқиб беришарди. Аслида ҳамма инсонларда ҳам ўзига яраша эҳтиёжлар бўлади. Бироқ, кўзи ожиз кишида бу нарса биров кўпроқ сезилади. Минг шукрки, тақдир мени доим яхши инсонларга яқин қилди. Умр йўлдошим, ажойиб овоз соҳибаси Мавлудахон Самандарова билан икки ўғил ва бир қизни вояга етказдик. Катта ўғлим Ўқтамжон изимдан юриб танбур чалишни ўрганди. Кичиги Умиджон ҳозир Бухоро телевидениесида режиссёр бўлиб ишлаяпти. Қизим Нозимахон эса фарзанд тарбияси билан банд. Мавлудахон билан икковимиз олти набиранинг буви-буваси бўлиш бахтидан бениҳоя қувончдамиз. Уларнинг кулгуларини эшитсам, кўёшни кўргандек бўламан. Келинларимиз Зарнигор ҳамда Машхура ҳам жуда бамаъни оила фарзандлари.

— Бугунги кунда санъат оламга кириб келаётган ёшлар жуда кўп. Улар орасида маком йўлини танлаётганлар нисбатан камроқ туялади, шундай эмасми?

— Тўғри айтасиз, бугунги авлод мусиқага жуда ихлосманд. Улар орасида санъаткор дейишга арзийдиганлари бор, албатта. Лекин назаримда, улар бармоқ билан санарли. Бунинг асосий сабабларидан бири бу — 1960-1990 йиллар оралиғида бизнинг мусиқа санъатимизнинг асосий қисмини ғарб ва рус бастакорларнинг асарлари ташкил қилганлигидир. Ўзбек олимларининг мусиқий асарлари жуда кам эди. Борлари ҳам Европа андазасига эргашилган ҳолда ёзиларди. Афсуски, бундай асарлар ҳозир ҳам кўп эмас. Яна бир сабаби, телевидение, радио ва оммавий ахборот воситалари фаолиятида мухлисларга эргашувчанлик хусусиятлари борлиги ҳамдир. Ваҳоланки, чинакам санъат мухлисини эргаштиради. Шунданми, ҳақиқий ўзбекона куйларнинг тарбияти нисбатан сустроқ, деб ўйлайман. Баъзан ғарб мусиқа санъатига юриб эмас, гуруриб кетаётганимизни сезаман. Менимча, бу муаммонинг сабабларидан бири, кўрик-танловларга илмий ёндашмаслик билан ҳам бог-



ликдир. Баъзи-баъзида салгина эътиборсизлик, рағбат етишмаслиги ҳам ёш маком ижрочиларини танлаган йўлида биров сусткашлик билан одимлашларига сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

— Авваллари шоир бўлишни истаган қаламқашлардан минг-минглаб байтлар ёд олишлари таллаб этилган экан. Сизнингча, ҳозирда ҳофиз (хонанда эмас) бўлишга даъвогарлик қилаётган ҳаваскорларга қандай шартлар қўйилиши лозим?

— Уйлайманки, кўшиқчи бўламан деган санъаткор каммида беш юзта газални ёддан билиши, кенг тафаккурли, бачканаликдан йироқ юрган ҳолда ўз санъати, фазилатлари билан ҳам элни ўзига эргаштира олиши керак. Ҳақиқий ҳофиз ўз руҳияти, қалби ҳамда халқ маънавиятининг гўзал тарбиясис бўлмоғи лозим.

— Бирор кўшиқчининг овозига тақлид қилиб ҳам яхши санъаткор бўлиш мумкинми?

— Дастлабки ўрганув пайтларида тақлид қилиш табиий ҳол. Лекин кейинчалик ўз овозини, йўлини яратолмаган кўшиқчи тақлиднинг соясига қўлиб кетади. Бу билан ҳофизлик даражасига етишининг имкони йўқ. Сергей Есенин тақлидчиларга қарата “Курбақа гўштига шакар селиб берсанг ҳам емайман” деган экан. Изланишдан эринган ёш хонандаларимиз бу иборадан ўзларига хулоса чиқариб олишса, ажабмас.

— Мақом йўналишида кўшиқ ижро этаётган хонандалар эстрададан нималарни ўрганишлари

мумкин? Умуман олганда, бу йўналишга сизнинг муносабатингиз қандай?

— Шу ўринда ўзбек эстрада санъатининг асосчиси, моҳир расом, ўзига хос ижодкор, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров номи тилга олмай иложимиз йўқ. Биласизми, санъатимизнинг 1960-1970 йиллар эстрадасига жаҳон эстрадаси ниҳоятда усталик билан сингдирилган эди. Шунинг учун ҳам биз Ботир Зокировнинг “Газли”, “Раъно” каби кўшиқларини, унинг камалакка монанд овозини ҳануз севиб тинглаймиз. Бироқ, менимча бугун эстрада йўналишини танлаган баъзи кўшиқчиларнинг мақсади одамларни рақсга туширишдангина иборат бўлиб қолган. Эстрадининг имконияти кенг экан, деб суиистеъмол қилиш ҳоллари учраб турибди. Бунинг асосий сабаби эса ана шундай кўшиқ яратаётганларнинг аксари мусиқа илмидан беҳабарлигидир. Мен араб ва эрон мусиқаларини қайта-қайта эштаман. Уларнинг деярли барча бастакорлари Англия, АКШ, Франция каби мамлакатлардаги консерваторияларда таҳсил олиб келган. Шунинг учун ҳам ўз миллий мусиқаларини ғарбникидан устун қўя олади. Ҳозирда бизнинг эстрадада шундай асарлар борки, биров “мана шу — ўзбекча”, дея минг бор айтса ҳам ишонгинг келмайдиди-да.

Мақом кўшиқларини куйлаган хонанда эстрадини ҳам айта олади, деган нотўғри фикрларни ҳам эшитиб қоламиз. Бу йўналишларнинг болклиги иккиси ҳам мусиқа деб аталмиш бир уммонга тегишлилигидадир. Аммо денгизнинг бир қирғоғидан иккинчисига бориш амри мажбур. Абдулла Маърупов ижросида маком йўналишида айтилган “Хоҳ инон, хоҳ инонма” ашуласи яхши айтилган. Аммо бу ижрода Орифхон Хотамов ижросидаги шиддатни топиш қийин. Масалан, сўзларни кесиб айтишда ҳаттоликлар бор, ургулариде ҳайқиряқ берилмаган. Ёки айтайлик, Ўлмас Оллобергановнинг “Паризод”, “Кутаман” каби кўшиқларида сўз таллафузлари, овоз йўналишлари ҳамда асарни нима эканлигини очиб бериши мумкин бўлган баъзи жараёнларда эстрада хонандаси эмаслиги билиниб қолади. Бундай мисолларни давом эттириш мумкин. Бундай, яъни мумтоз кўшиқларни эстрада чогулларига солиб айтишни хонандалар янги услуб сифатида ҳам қарашади. Билмадим, мукамал яратилган нарсага нима ҳам қўйиш мумкин, менимча, қамайтирилади, холос... (Ҳатто, буни бузиб айтиш, деса бўлар). Шу маънода ким қайси мусиқий йўналиш илмини олган бўлса, ўша йўлдан четланмагани маъқул. Шунда мусиқа оламини ёлгонлардан сақлаган бўламиз.

“Оила ва жамият” муҳбири Барно МИРЗААХМЕДОВА сўхбатлашди.



ЭГАР-ЖАБДУФ — тилимизда кўпинча бу икки сўз бирга келади. “Эгар” сўзининг от устига уриладиган, миниб ўтириш учун мосланган абзал эканини яхши биламиз. Хўш, унда “жабдуф” сўзи қандай маънога эга? Адабиётшунос Тўра Нафасовнинг изоҳига кўра, тилимизда “жабдуғламок” деган сўз бўлиб, бу сўз эгар қўймасдан отнинг устига уст ёпинчиқ ё жабдуқ қўйиб минишга тайёрламок деб изоҳланган. Демак, жабдуқ сўзи от устига эгар остидан ташланадиган ёпинчиқ маъносини англатади.

Арава ҳам эртаси кун келтирилиб, Холмирза ака отга жабдуқлар олиш, аравага темир коктириш учун шаҳарга тушиб кетди.
Абдулла Қодирий

Жўяли — тилимизда “жўяли гап” деган ибора кўп ишлатилади. Хўш, бу сўзнинг асл илдизи қандай маънони англатади? “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “жўяли” сўзи дастлаб форсийдаги “қидириб топ” мазмунини ифодалаган “жўй” феълидан келиб чиққан. Сўнг бу сўз “ўрин”, “асос” маъносини англатадиган “жўя” сўзига айланиб, ҳозирги пайтда бу сўз “ўринли”, “асосли” деган мазмунни билдиради.

Бирор жўяли гапинг бўлса гапир, бўлмаса, ўзингнинг ҳам, бизнинг ҳам бошимизни қотириб ўтирма.
Журналдан

ЎЗГАЛАМОҚ — бу сўз бир қарашда “бегона қилмок”, “ётсираш” маъноларини англатиши сўзнинг шаклидан кўришиб турибди. Кам ишлатилса-да, бу сўз халқ тилида бор. “Ўзгаламок” сўзини кўпроқ чорвадорлар ишлатишади. Чўпонлар баъзан ўз боласини танимай қолган эчки ёки совлиққа нисбатан шу сўзни қўллайдилар. “Ўзгаламок” сўзининг пайдо бўлишига ҳам шу ҳолат асос бўлган.

Ўз болангни танимай, Ўзгалабсан, жонивор...
Халқ кўшиқларидан
Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

РЕВМАТИЗМ

Болаларда ревматизмнинг кечиси ва ундан кейинги босқичма-босқич даволаш чоралари ҳақида маълумот берсангиз.
Л. Сатторова.

Тошкент шаҳар болалар маслаҳат-ташхис маркази кардиоревматолог, олий тоифали шифокор Ҳиммат ЭРГАШЕВА шарҳи:

— Ревматизм — эразмидан беш аср аввал ҳам маълум бўлган хасталик. Гиппократ ўзининг "Касалликларнинг тўрт китоби" номли асарида ёзишча: "Ревматизмда иситмалаш пайдо бўлиб, ўткир оғрик ҳамма бўғимларни камраб олади ва ушбу оғриқлар баъзан кескин, баъзан кучсиз, баъзан бир бўғимни, баъзан бошқа бўғимларни шикастлайди".

Ўткир ревматик иситма яъни ревматизм бириктирувчи тўқималарнинг тизимли касаллиги бўлиб, стрептококк инфекцияси таъсирида ангина, фарингит асоратидан кейин пайдо бўлади. Ушбу хасталик ирсийликка мойил 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларда учрайди. Ревматизм таъсирида юрак қон-томир тизими, бўғимлар, марказий нерв тизими шикастланиши намоён бўлади.

Ревматизмга чалинганлар уч босқичда даволанади. Биринчи босқичда бемор касалхонада муолажа олади. Сўнг даволанишни ревматологик сихатгоҳда давом эттиради. Учинчи босқичда эса поликлиникада педиатр ва кардиоревматолог диспансер назоратида бўлиши талаб этилади. Кузатувда бўлган болаларга ўткир ревматик иситма (ревматизм) ривожланишига йўл қўймаслик ва касаллик қайталан-



маслиги учун бирламчи ва иккиламчи профилактика ўтказилади.

Ўткир ревматик иситманинг хавфли томони шундаки, унинг асоратлари оқибатида орттирилган юрак пороги юзга келиши, марказий нерв тизими каби энг муҳим аъзоларга шикаст етиши кузатилади. Ўткир ревматик иситмада 90-95 фоиз ҳолларда юрак зарарланади. Ревматизм билан оғриб, бепарво бўлинса, икки-уч йилдан сўнг беморда хансираш, юрак соҳасида оғрик, санчик ва юрак етишмовчилиги асоратлари ва бошқа тизимларнинг шикастланиши пайдо бўлади. Ушбу касалликка чалинмаслик учун ўз вақтида даволаниш ва барча профилактик чораларга амал қилиш зарур. Бунинг учун кун тартибига риоя қилиш, тўғри овқатланиш, организмни чиниқтириш, сурункали инфекция ўчоқларини даволаш, керакли бўлган комплекс дори-дармонлар, шу жумладан, иммунитетни оширувчи воситалар ва инфекцияга қарши дорилар қабул қилиш, профилактика муолажалари ўтказиш муҳим ўрин тутати.

Ревматизмга чалинган беморларга совуқ сув хавзаларида чўмилиш, зах жойларда узоқ қолиб кетиш тавсия этилмайди. Шифокор тайинланган махсус чиниқтириш муолажалари бўйича даво чораларини давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, боланинг тўғри овқатланиши ҳам муҳим. А, В1, В2, С ва Р дармондориларга бой озиқ-овқат маҳсулотларни истеъмол қилиш яллигланган организмни тез тиклайди.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

Барчамиз бирдек севиб тановул қиладиган музқаймоқлар аслида жуда қадимий ширинлик ҳисобланади. Тахмин қилинишча, унинг яратилганига тўрт минг йилдан зиёд вақт бўлган. "Лоҳасликка қарши энг яхши даво" сифатида қадрлаб келинган музқаймоқ юқори калорияли маҳсулот ҳисобланиб, одатда, унинг таркиби ёғ ва углеводлар ҳамда шакарга бой бўлади. Музқаймоқ инсон организм учун муҳим минералларга бой пархез егулик ҳисобланиб, турига қараб таркибида кальций ва фосфор, шунингдек, А, С, D ва Е, В-6, В-12, кам миқдорда К витаминлари мавжуд бўлади.

Музқаймоқ тайёрлашда асосан сигир ва эчки ҳамда сунъий сутдан ҳам фойдаланилади, турига қараб мева ва бошқа қўшимчалар ҳам қўлланилиши мумкин. 100 грамм музқаймоқ 400 килокалорияга эга. Лекин соғлом ва фаол ҳаёт кечиришни истаган ҳар бир одам бир кунлик музқаймоқ миқдорини бир порциядан оширмаслиги лозим. Қолаверса, кўп музқаймоқ ейиш семирисага сабабчи бўлади. Мутахассислар ёз кунлари таркибида ёғ миқдори кам бўлган музқай-

МУЗҚАЙМОҚ



аймоқларни танлашни маслаҳат беришади, бу паллада энг яхшиси мевали музқаймоқлардир. Музқаймоқ "стрессбосди" хусусиятга эгаллигини ҳам таъкидлаш жоиз. Чунки сут ва қаймоқ таркибидаги триптофан табиий таъсирчан моддасининг асаб тизimini тинчлантирувчи, кайфиятни кўтарувчи, уйқусизликни бартараф этувчи, хатто танадаги ортиқча ёғларни йўқотиш, жигар ва юрак фаолиятини яхшилаш, иммунитетни ошириш, эрта қарининг олдини олиш каби хусусиятлари ҳам бор. Лекин уни тановул қилиш тартибларига риоя қилишиги, акс ҳолда зарарли томонлари бўлишини ҳам унутмаслик

керак. Музқаймоқни ҳеч қачон оч қоринга емаган маъқул.

Хуллас, музқаймоқ танлашда ҳам эътиборли бўлиш, айниқса, уни ейишни жон-дилидан яхши кўрувчилар шифокор маслаҳатини олиб туришлари мақсадга мувофиқдир. Харид қилаётганда музқаймоқнинг калорияси ва таркиби, эслатмалар билан танишиш лозим.

"АҚШда июль ойи расман 1984 йилдан бошлаб "музқаймоқ ойи" деб аталган, шу ойда музқаймоқларга бағишланган катта байрамлар ўтказилади.

"Буюк Британияда музқаймоқ ишлаб чиқарадиган 1000 тага яқин компаниялар бор, йил давомида бир кишига 8 литр музқаймоқ тўғри келар экан.

"Америкаликлар музқаймоқ истеъмол қилиш бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Бу ерда ҳар бир киши йил давомида 48 пинта (1 пинта — 473 мл.) музқаймоқ ер экан.

"1897 йил 1 февралдан Альфред Кралль томонидан музқаймоқнинг ўлчами ва махсус қошиқчаси учун патент олинган.

Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА тайёрлади.

ТИКУВ МАШИНАЛАРИ

Бугунги кунимизни тикув машиналарисиз тасаввур этиш мушкул. Кундалик ҳаётимиз учун зарур бўлган кийим-кечаклар, сочиклар, чойшаблар ва бошқа уй анжомларининг барчаси бир замонар қўлда тикилган бўлса-да, эндиликда тикув машиналари ва уларнинг безакли чоклари туфайли жуда чиройли ва бежирим қиёфа касб этмокда.

Ўртимизда чеварликка меҳр қўйган, жуда бўлмаса ўзи учун биттагина қўйлак тикиш иштиёқда бу соҳани ўрганаётган қизларимиз жуда кўп. Уларнинг ҳар бири замонавий тикув машиналарига эга бўлишни истайдилар. Дўкон расталарида тикув машиналарининг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, улар қулайлиги, кенг имкониятлари билан эътиборни тортади. Чокларни механик танлаш хусусиятига эга бўлган — электромеханик машиналари фойдаланиш учун жуда қулай. Унинг чок турларини танлаш ва тартибга солиш ишлари олдинги панелдаги гилдиракча ёрдамида амалга оширилади. Бундан ташқари, унда бир қанча безакли чоклардан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Компьютерли тикув машиналари эса ўзидаги микропроцессор туфайли хилма-хил вазибаларни бажара олади. Уларда электрон тугмачали бошқарув блоки ва дисплей мавжуд бўлиб, танланган дастур бўйича барча ахборотни етказиб туриш хусусиятига эга. Бу тикув машинаси газламага қандай игна, ип ва чок танланиши борасида тикувчига ахборот бера олади. Шунингдек, тикилаётган газламани нафақат олдинга ва орқага, балки ўнгга-чапга ҳаракатлантириш имкониятини ҳам беради.

Компьютерли машинкаларидан яна бири бу — оверлоклардир. Улар газламанинг четларини текислаш ҳамда уларга ишлов бериш учун мўлжалланган. Оверлокни бир марта газлама устидан юргизиш жараёнида унинг четини қирқиб, кесилганларини ўраб қўйиши мумкин. Агар оверлокка махсус анжомлар йиғмаси қўшилса, унинг турли вазибаларни бажариш имконияти янада кенгайди. Бугунги кунда махсус бичиқчи машиналар ҳам мавжуд бўлиб, уларни асосан катта миқдорда тикувчилик билан шуғулланидиган цехлар ва фабрикалар учун сотиб олишади.

Тикув машиналарини танлаш ва харид қилишда аввало ишлаб чиқарилган фирмасига эътибор қаратилади. Унинг ишлаши, қулайлиги ва кўриниши ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Бу жиҳозларни ишлаб чиқаришда айрим етакчи фирмалар (Husqvarza, Pfaff, Singer) 100 йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият юритиб келмокда.

Таъкидлаш жоизки, барча фирмаларда ишлаб чиқарилган тикув машиналари ҳам асосан бир хил деталлар асосида йиғилади. Сотиб олаётганда албатта, қафолат қоғозини талаб қилиш керак.

ШАҲИНА тайёрлади.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ойи ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиги — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1

ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўйил болалар учун).

Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой.

Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.

Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ЭЪЛОН!

Акбаров Баҳадир Сулейманович номига расмийлаштирилган Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Қизил шарқ кўчаси, 89-уйнинг қандастр ҳужжати (режаси) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«LUXE TRANS CAPITAL» МЧЖ корхонаси ўз муассисларининг қамайгани сабабли корхонанинг устав жамғармаси 300 миллион сўмдан 167 миллион сўмга туширилганини маълум қилади.

Мурожаат учун телефонлар:
8(371) 289-73-82,
+99893 380-11-31

...Адиба хонасига гўёки юриб эмас, учиб кириб келди.

— Тинчликми, Адибахон, нима гап, лотореянгизга машина чикдики? — деди бир хонада ишлайдиган Халима опа унинг ҳовлиқишини кўриб.

— Суюнчи беринг, опа-жон, ўғлим каратэ бўйича ўтказилган мусобақада биринчи ўринни олибди, энди Тошкентга бораркан! — Адиба кувончга тўлиб сўзларди.

Унинг ҳолатини тушуниш мумкин. Ахир, ёлғизгина шу ўғлидан бошқа ҳеч кими йўқ. Ота-онасидан эрта етим қолди. Амакисининг қўлида катта бўлди, уларнинг раъйига кўра турмушга чиқди. Эри қўли гул хунарманд эди-ю, лекин ичкиликка берилгани боис рўзгорда барака йўқ эди. Устига-устак кунора Адибани етим қиз, деб ҳақорат қилиб аёвсиз калтакларди. Маҳалла-қўй, қайнота-қайнонаси, қариндош-уруғлар ҳам ўртага тушишди, барибир ўзгармади. Охири ўғли тўрт ёшга кирганида эри бошқа бир бева аёлга илакишиб, уйдан чиқиб кетди.

— Мен ўғлим кечкурун соат ўнгалча уйга келмас, уришаверибман. Кейин билсам, у спорт залида машғулот билан шуғулланаркан. Болам бечора нега озиб кетяпти десам, мусобақага тайёрланаётган экан, — Адиба тинмай гапирар, сўзларини биров эшитяптими-йўқми, бунга парво қилмасди...

Узун хонада Адибага қарама-қарши томонда ўтирган Ойбек уни кузатар экан, аёлга негадир юраги ачишиб кетди. Эгнидаги кўйлаги анча уникиб қолган. Қош-кўзлари ўсма-сурмани кўрмаганига анча бўлган.

— Адибахон, нега ҳеч ўзингиз ҳақингизда ўйламайсиз? — деди у кутилмаганда.

Адиба ярқ этиб унга қаради. Сўнг хижолат тортганча эгнига қараб олди. Зумда юзига табассум югуртирди-да, деди: — Ўзимнинг нимамани ўйлайман, Ойбек ака? Болам ҳаётда ўз ўрнини топса, яхши келин олсам, ана ундан кейин ўғлим билан келинимга эркалик қилиб ўтираман-да.

— Илоё, ниятингизга етинг...

Шу куни Ойбек ишдан анча кеч чиқди. Болалари кишлоққа, ота-онасининг ёнига кетишганини ўйлаб, бирорта кафедра кечки овқатни еб, сўнг уйига кетишни лозим топди. Анчадан буён шу аҳвол. Болалари уйда бўлмаса, уй уни ютиб юбораман, дейди. Агар раҳматли Ойдин тирик бўлганидами, уни бир марта ҳам кўчада овқатланишига йўл қўймасди.

Шундай ўйлар қуршовида чоғроқ кафега кириб келган Ойбек четдаги столга бориб ўтирди. Официантни чорларкан, эътиборини сал нарида баланд овозда қийқаришиб ўтирган йигитлар тортиди. Уларнинг мастлигини бир қарашда сезиш мумкин эди. Улар баланд овозда бир-бирларига гал бермай гаплашишарди.

— Ботир, ўзиям ҳақиқий ботир йигитсан-да! Ойингни қандай шилдинг, шунга ҳайронман, — деди сочи жингалак йигит қўлидаги стаканини бир кўтаришда бўшатаркан.

— Ойим яхши жойда ишлагани билан калласи яхши ишламайди, — деди унга жавобан бир йигит. — Бир пайтлар мени каратэга олиб борганлар. Озгина ҳақнаб, кейин бир бола-

ни уриб қўйганимдан кейин тренеримиз ҳайдаб юборган. Аммо мен бунга оғирман сездирам. Машғулот пайти кийин-нардим-да, кўчага чиқиб кетардим. Ҳар ойда машғулотга пул сўрашни эсдан чиқармасдим. Кеча миямга зўр фикр келди. «Ойижон, дедим, мен вилоят биринчилигида голиб бўлдим. Худо хоҳласа, бир ҳафтадан кейин Тошкентда ўтадиган мусобақага бораман», дедим. Ойижонимнинг суюнганларини айтиб ўтирмайин. Бир ҳафтадан кейин чўнтагимни пулга тўлдириб, мени «Тошкентга кузатиб қўядилар», хи-хи-хи!..

қўйган пулига кўшнидан олган қарзиням қўшиб, Ботирнинг чўнтагига солди. Соат кечки олтига яқинлашганда Ботир сафар сумкаларини олиб ўйдан чиқди. Адиба уни кўзида севинч ёши билан дуолар қилиб кузатиб қўйди...

...Орадан икки соат ўтиб ўтмай Ботир кўзини очди. Нималар бўлганини эслолмади ҳам. Уйдан чиққанини билади, кўшни домнинг олтидан ўтганини ҳам. Кейин кимдир ортидан келиб... У ким эди?

— Хой, ким бор? — бақирди Ботир. Ҳеч ким жавоб бермади. Ўзи қимирлолмади. Ел-



ЁЛҒОННИНГ ЖАВОБИ

— Қойил, ошна, аммо-лекин онани алдаш яхшимас!

— Менга ақл ўргатма, ўзинг айт, анавини чекиб қўйганим учун қарзларим мана бундоқ бўлса, — йигит қўлини кекирдагига тиради, — нима қилишим керак. Ўғирлик қилсам, ойижон хафа бўладилар. Ундан кўра ўзларини чиройли қилиб алдаб қўяқолдим...

Ойбек турган жойида қотиб қолди. Ҳатто официантнинг гапларини ҳам эшитмади. Чунки мақтанаётган бола — ҳамкасби Адибанинг ўғли эди!

«Нимадир қилиш керак, аммо бунга менинг ҳаққим борми? Бор, ҳозир кимдир йигитчанинг ақлини киритиб қўймас, кейин кеч бўлади. Аммо нима қилиш керак?» ўйларди у.

Ниҳоят, кафенинг ҳўжайини келиб, уларни ҳисоб-китоб қилишга мажбур қилганидан кейингина ўрниларидан туришди.

Ойбек уларнинг ортидан кузатди. Иккитаси кафедран чикибок, бошқа томонга кетишди. Адибанинг ўғли Ботир ва икки йигитнинг йўли бир эканими, бирга йўлга тушишди. Улар қий-чув қилар, кўп қаватли уйлардаги чироқлар бир-бир ўча бошлаганига қарамай, овозлари борича қийқаришарди.

Ниҳоят, Ботирнинг бир ўзи қолди. У алпон-талпон қадам ташлаб, уйининг ёнига етди. У ёқ-бу ёғини тўғрилаган бўлди-да, зиналардан чиқиб кетди.

Ойбек Адибанинг уйи шу эканини билиб олди. Шу кундан бошлаб у Ботирни кузата бошлади. Ниҳоят, Адиба ўғлини «Тошкентга — мусобақага кузатадиган» кун ҳам етиб келди. У машидан тўплаб

қасидан тортиб, оёғигача арқон билан қаравотга боғлаб ташланганди. Икки соат ўтгачина, уй эшиги очилиб, кимдир кириб келди.

— Ердан беринглар, ёрдам-а-а! — Ботир овози борича бақирди тушди.

Уй эгаси стол устида турган сочиқни олди-да, Ботирнинг оғзига тикиб қўйди. Кўзлари ола-қула бўлган Ботирнинг нафаси ичига тушиб кетди.

Соч-соқоли ўсган киши хонадан чиқиб кетди.

Эртаси куни эрталаб бояғи киши хонага кириб келди. Ботир анча холдан тойганди. Қирган одам Ботирнинг оғзиди латтани олди-да, деди:

— Чанқадингми, сув ичасанми?

Ботир гапира олмас, киприкларини қимирлатиб «ҳа» ишорасини қилди. Тепасида турган кишига мўлтираб қаради.

— Мен сенга ойинг эмасман, сув сўрасанг, шарбат тутадиган, билдингми? Чида, ўғил бола, чида! Ахир, отинг Ботир-ку!

У киши Ботирнинг елкасига уриб-уриб қўйди-да, яна нари кетди. У кетса, сувсизликдан ўлиб қолиши аниқ.

— Илтимос, кетманг, сув беринг, ёлвораман... Мендан нима истайсиз? Айтганингизни қиламан, фақат бир културм сув беринг... — деди шивирлаб.

— Бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз, — деди ҳалиги совуққон киши ва хонанинг эшигини қаттиқ ёпиб чиқиб кетди...

Ботир икки куннинг ичида чўлдай озиб кетди. Иккинчи куни боғи киши уни арқондан



Туқилмаган ҳикоя

ечиб, стулга ўтиргизди. Олди-га бир коса сув ва қотган нон қўйди. Уларни еб, бироз ўзига келган Ботир рўпарасида ўтирган кишининг юзига синчиклаб қаради.

— Танишволайлик, менинг исмиим Курбон. Лекин ошналар «Босс» деб чақиряшади. Шу шаҳардаги киссавурларнинг бари менинг қўлимда.

— Мени нега бу ерга олиб келдингиз? — деди Ботир кўрқа-писа.

— Сени кўпдан бери кузатиб юрибман. Менга маъқул тушдинг. Қолаверса, отанг йўқ. Соддагина онанг, нима десанг, ишонаверади. Бошқа яқининг йўқ. Шунинг учун янги шогирдликка сени танладим. Хафамасман?

— Мен... Мен ўғри эмасман.

— Энди бўласан-да. Ўғри бўлмасанг ҳам, фирибгар бўлишинг мумкин. Ахир, ўз онасини алдаган одам бошқаларни ҳам алдай олади.

Ботир тилини қаттиқ тишлади. Хато қилиб қўйганини ҳис қилди-ю, аммо уни энди тузата олмаслигини ўйлаб, юраги баттар сиқилди.

— Ойимни... алдаганимни сиз қаердан биласиз?

— Биз ер тагида илон қимирласа биламиз. Бўлмаса, сендақа шогирдларни қаердан топардик?

— Биламан. мендан ўғри чикмайди, ишонинг. Мени қўйиб юборинг, илтимос... — Ботир хўнграб йиғлаб юборди.

— Йўқ, энди ортга йўл йўқ! — деди Қирол афтини хунук бужмайтирганча...

— Сен учун бир йил вақтинчи сарфладим, мишиқи. Янгилишмаган эканман, сендан зўр ўғри чиқади. Насиб этса, бойваччага айланасан. Гапимга кирмасанг, ойижонингга қийин бўлади...

Қиролнинг дағдағаси Ботирни баттар кўрқувга солди.

Ойбек Ботир «сафарга кетадиган кун» ишлари кўпайиб кетгани учун уни кузатолмаганди. Уни шаҳардан чиқиб кетмаслигига имони комил эди. Дўстлари орқали уни топиб олишига ишонди. Лекин уч кун давомиди уринишлари, кидиришлари бейфойда кетди. Ботир ерга кирган ё осмонга учгандай ҳеч қаерда йўқ эди.

Ойбек унинг дўстларини сиқувга олди. Учасидан ҳеч қандай гап чиқмади. Ниҳоят, тўртинчиси унинг пўписасидан сўнг шу гапни айтди: «Иккаламиз бизнинг дачамизга кетаётувдик, шаҳардан чиққанимизда биз ўтирган «Жигули»нинг олдини бир машина тўсиб чиқди. Машинадан уч киши тушиб, иккаламизни урди. Кейин улар Ботирни олиб кетишди».

Ойбек йигитчани шаҳар ички ишлар бўлимига судраб борди. Ўша ерда унинг синфдоши ишларди. Ундан ердан сўради. Фақат бу ишларни Ботирнинг ойсиди Адиба билмаслигини дўстидан ўтиниб сўради.

Тўрт кунлик қидирув ва суриштирувлар фойда берди.

Ботир яшириб қўйилган хонадон топилиди. Йигитчанинг аҳволи оғир эди. Очлик ва калтаклар зарбидан у оёқда зўрга турарди. Ойбек уни уйига олиб бориб, шифокор чақирди. Муолажалардан сўнг ухлаб қолган Ботир тонгда анча ўзига келган ҳолда уйғонди. Унинг кўзларида ҳадик ва кўрқув қотиб қолганди. Буни сезган Ойбек кўпроқ Адибага ачинади.

— Ойинг билан гаплашдингми? — сўради Ойбек.

Ботир бошини қимирлатиб «йўқ» дея ишора қилди. Ойбек телефонни олиб келди ва Ботир айтган рақамларни терди.

— Мен яхши юрибман, мусобақалар яна икки-уч кунга қўзиладиган бўлди. Мендан хавотир олманг, деб айт, — деди Ойбек ва телевизорнинг овозини баланд қилиб қўйди.

Ботир унинг сўзларини такрорлади. Адиба боласининг дудукланиб сўзлашини ҳаяжонга йўйди. Аммо неча кунлик хавотирдан сўнг ўғлининг «яхшиман» деган сўзини эшитгани учун кўнгли бироз таскин топди.

Кейинги икки кун давомида Ойбек Ботир билан анча гапларни гаплашди. Иккиси ички ишлар бўлимига бориб, кўрсатма бериб келишди. Уни ўғирлаб кетганлардан бир нечаси қўлга олинди. Ботир ўзидаги кўрқувни энгиш учун психолог кўмагидан ҳам фойдаланди.

...Уйига «қайтиб» келганида юздан зиёд тенгқурларининг ичида тўртинчи ўринни олганини айтди. Барибир, Адибанинг кувончи зиёда бўлди.

Айни мана шу лаҳзада Ботир хижолатдан ўзини қўярга жой тополмай қолди. Чикиб кетишаётганида, мураббийнинг енгидан тортиб, қулоғига шивирлади:

— Клубга меням аъзо қилиб оласизми, каратэга жудаям кизикаман.

Эртаси куни Адиба яна хонага юриб эмас, гўёки учиб кириб келди:

— Менинг ўғлим чемпион бўлибди, қаранглар суратига. Олган медалини кўринглар!..

Унинг қувоншини кузатиб турган Ойбек кўзларини яширганча ташқарига йўл олди.

Ботир ўша кундан бошлаб Ойбек билан дўстлашиб кетди. Иккиси каратэ клубига бирга борадиган бўлди. Ботирнинг мактабдаги ўқишлари ҳам анча яхшиланиб қолди.

— Ойи, бир гап айтсам, хафа бўлмайсизми? — деди бир куни Ботир.

— Қандай гап экан, фақат мени ҳафа қиладиган гап бўлмасин-да?

— Мен... дадам бўлишини хоҳлайман.

— Буни иложи йўқ-ку, болам...

— Ойбек ака бор-ку, сиз билан бирга ишлайдиган, худди ўшалардек дадам бўлишини хоҳлайман...

Шу сўхбатдан кейин орадан ярим йил ўтди. Катталар ўртага тушишди. Адиба ўғлининг қистови билан Ойбекка турмушга чиқди. Ойбекнинг фарзандларига ҳам оналик меҳрини бера бошлади.

Шаҳло ИСМОИЛЖОН
қизи.



ОЛТИН АВТОМОБИЛЛАР

Бундай машиналар автосеварларнинг хос давраларида жудаям оммалашиб бормоқда. Билмадик, буни мулк дейиш мумкинми ёки олтин васвасаси, ҳар ҳолда бу борада ҳам кимўзар кашфиётлар давом этмоқда.

Беш йил аввал Германиянинг Виссулис заргарлик фирмаси тилла билан қопланган тўққизта "Порше" спорт автомобиллини ишлаб чиқаришга тайёрлаган ва улардан дастлабкисини оммага намойиш қилганди. Битта "Порше" автомобиллини тилла билан қоплаш учун фақатгина 999 пробали олтин ишлатилган, заргарлар бир ой вақт сарфлаб, барча ишлар қўл меҳнати билан амалга оширилган эди. Қиммат металл билан моделнинг кузов деталлари, филдирок дисклари ва интерьер элементлари қопланган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, улар автомобилнинг техник деталлариға тегишмаган ва завод кафолатлари ҳам сақланган. Заргарларнинг фикрича, бу олтин автомобилға эътибор қаратишининг энг яхши йўлидир.

Яқинда немис концерни Мерсе-



des-Benz SLS AMG Desert Gold автомобилнинг махсус нусхасини тақдим этди. Олтинранг машинанинг тақдимот маросими Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтди. Мамлакат киборлари техника мўъжизасини зўр кизиқиш билан томоша қилдилар. Олтин автомобилнинг техник имкониятларини профессионал тарзда намойиш этиш учун Формула-1 жамоаси етакчиларидан бири Нико Росберг тақлиф қилинди. Автомобилнинг асл нархи ҳозирча эълон қилинган йўқ. Ҳар ҳолда бу машинаға ҳар кимнинг ҳам "қўли етавермайди".

Автомобиль ҳар қанча қимматбахо бўлмасин, агар у йўл ҳаракати иштирокчисига айланса, қонун олдида бирдек жавобгар бўлади. Беш нафар заргар-дизайнернинг беш ойлик меҳнат маҳсули бўлган, соф олтиндан ясалган яна бир автомобиль Хитой полицияси томонидан жарима майдончасига қамаб қўйилди.

Дабдабали "Infiniti" модели билан "Ниссан" савдо белгиси остида ишланган бу тилла машина Нан-жин шаҳри заргарлари учун жуда яхши реклама бўлиши мумкин эди. Афсуски, реклама амалға ошмай қолди. Шаҳар кўчасида қойдани бузган, бунинг устиға давлат рўйхатидан ўтмаган олтин автомобилни полиция эвакуаторға ортиб олиб кетди. Бу ҳодисаға юзлаб одамлар томошабин бўлишди. Автомобиль эгалари ўн кун давомида салмоқли жарима суммасини тўлашмаса, машина ҳукумат фойдасига мусодара қилиниши мумкин.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.



саҳифаси

ҲОВЛИ ТАЛАШИБ... АЙРИЛИШДИ

Севинч синглим ўқишни тамомлагач, катта бир оиланинг кенжа ўғлиға узатдик. Бир ҳовлида уч овсин бирға яшашарди. Қайнотаси бир неча йил аввал юрак хуружи туфайли қазо қилган экан. Қайнонаси эса қанд касалиға чалинган бўлиб, ўзи билан ўзи овра эди. Хуллас, ҳамма ўз ҳолича рўзгор тебратарди. Бир куни опа-сингиллар отамизниқанда йиғилдик. Кутилмаганда Севинч менға дардини очиб қолди. Унинг айтишича, акалари куёвимизға иложини қилиб, тезроқ уй олиб чиқиб кетшини, ҳовлини бўлишиб олмақчи эканликларини билдириб оғохлантирибди. Мен унга бу жанжалли ишға аралашмаслигини маслаҳат бердим. Орадан бир йил ўтиб, синглим қизлик бўлди. Туғуруқхонадан чиқаётган куни эри келиб, кеча ўз жигарлари билан уй таллашиб мушталлашганини, энди

ижара уй излаб юрганини айтибди. Борсак, иккала-сиям хомуш ўтиришибди. Бир илож қилиб, вақтинча яшашға жой топишди. Энг ёмони, куёвимиз ичкиликка ружу қўйиб, яхшигина ишидан ҳам айрилиб, уйдан чиқмай қолди. Ноилож қолган ота-онам уларға қарашиб туришди. Бир неча марта бизникилар, қариндошлари акаларидан ҳеч бўлмаса укаларининг улушини беришларини талаб қилишди. Фойдаси бўлмади. Устиға устак синглимни эри ичволиб, ҳар куни урадиган одат чиқарди. Нега марта катталар араллашиб кўрди, қайда, барибир ўзгармади. Охири суд орқали ажрашишға мажбур бўлди. Ҳозир синглим отамниқанда, қўлида гулдай хўнари бор, ишлайди. **Ёши 27 да.** Касби-кори тайин, олти ёшли қизчасиға оталик меҳрини бера оладиган инсон бўлса, хабар берсангизлар.

МУНИРА,
Тошкент шаҳри.

МЕН ИЗЛАГАН АЁЛ

Газетанинг ўтган ҳафтадаги сонида "Қудаларим мени тушунар..." деб номланган сарлавҳа остида сўз юритилган Муҳиба исмли аёл билан танишишға қарор қилдим. Ўзим ҳақимда қисқача маълумот: **Ёшим 60 да.** Салкам қирқ йил масъул лавозимларда ҳалол ишладим. Пенсиям ўзимға бемалол етиб ортади. Раҳматли аёлим 2009 йилда оғир хасталикка чалиниб вафот этганди. Барча фарзандларим оилани, уйли-жойли, ўзларидан тинган. Ўн олти неваранинг севимили бобосиман. Ҳозирги кунда кенжа ўғлим билан бирға яшасам-да, ўзим учун алоҳида уй-жой, шарт-шароит бор.

Кексалиқда кўп нарсани ўйлаб қоларкансан, айниқса, ёнингда сени тушунадиган, дилкаш бир ҳамдард одамға эҳтиёж сезиларкан. Очиғи, баъзан тобим қочса, ҳатто ўз болаларимға ҳам дардимни айтишға истиҳола қиламан. Нега десангиз, уларнинг ҳам ўзига яраша ташвиши бор, ҳадеб безовта қилгим келмайди. Сизларға мурожаат этишдан аввал ўзим билан сирдош бўлиб қолган икки ўғлимға маслаҳат солдим, улар "Қанийди, сиз-боп савобталаб бир аёл топилса, розимиз" деб хурсанд бўлишди. Агар имкони бўлса Муҳибахоннинг телефон рақамларини берсангиз, сизларға талаб қилинган ҳужжатларни юборяпман.

САМАРИДДИН ака,
Самарқанд вилояти.

АЙБСИЗ АЙДОРМАН

Фарзандларим боғчаға чиққанидан кейин ҳамшираликка ўқиган аёлим ишлайман деб туриб олди. Дастлаб бу менға эриш туюлди. Чунки, менинг топиш-тутишим ёмон эмасди-да. Охири, уйда зерикаётгандир, одамларға кўшилса яхши-ку, деган ўйда рози бўлдим. Иккаламиз ҳам эрта кетиб, кеч қайтардик. Мен болаларни боғчадан олиб келсам, у шоша-пиша овқат тайёрларди. Ҳаётимиз бир маромда кечаётганди. Орадан икки йилча ўтгандан кейин негадир Нозиманинг характерида ўзгариш сезила бошлади. Гап-сўзлари, ўзини тутиши ҳам бошқача. Телефониға нукул яширин рақамдан кўнғироқ бўлаётганини бир неча бор кўриб қолдим. Аввалиға эътибор бермадим. Кейинчалик телефони жиринглаши биланок ташқарига чиқиб гаплашаётгани учун жаҳлим чиқиб, сўроққа тутдим. Бир гал дугонаси эканлигини баҳона қилди, эркак кишининг овози-ку, десам, буниси касаллардан бири эди, деб қўя қолди. Барибир кўнғил тинчимайди, тўғри компанияға бориб, хотинимнинг телефониға кирган-чиққан номаълум рақамларни чиқартирдим. У кўлимдаги узун рўйхатни кўргани захоти, хали сиз меннинг шахсий ишимға аралашадиган бўлдингизми, ҳа, мен бошқа бир одамни севаман, қўлингиздан нима келарди, дея бақариб қозоғға ёпиша кетса бўладими. Ўша куни аввал унинг, кейин менинг уйдагиларим етиб келишди. Уларнинг олдида бўлган воқеани айтиб бердим. Ҳе йўқ, бе йўқ, онаси иккиси менинг ўзимни айбдор қилиб тўпуюн кўтарди ва эртаси куни эшитсам, судға ариза берибди...

Икки йилдан бери ёлғизман. **Ёшим 40 да.** 35 ёшғача бўлган, имкони борица, Фарғона томонларда яшовчи, бир фарзанди бор жувон бўлса ҳам майли, уйланаман. **ЭЛЁР,**
Кўқон шаҳри.

БИР-БИРИГА МОС ТУШСА

Жиянимнинг исми Сардор бўлса-да, маҳалламиздагилар унинг баланд бўйли, келишган йиғилтиги боис ҳазиллашиб, Алпомиш деб чақиршади. Биз ҳам шунга ўрганиб қолдик. Сардорнинг бўйи, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, 2 метру 20 см. Тоғни урса талкон қилгудек гавдаси бор. Шу билан бирға ақлу фаросатда ҳам ҳавас қиларли. Математикани жуда яхши кўради. **Ёши 30 да.** Тақдир экан-да, шунча ёшға кирса ҳам ҳали уйланмаган. Опа-сингиллари келин излаб қанча жойларға совчиликка боришди. Лекин учрашувға чиққанида Сардорнинг бўйбастини кўриб, рад жавобини беришяпти.

Бундан икки ҳафтача аввал газетангизда Муборак опа деган сирдарёлик аёлнинг номидан "Алпкелбат куёв керак" деб номланган хати эълон қилинган экан. Шунга эшитиб, сизларға мурожаат этаялман. Илтимос, бизға ана шу қизнинг манзиллини берсангиз, зора, икки ёшнинг юлдузи юлдузига тўғри келиб, бахтлари очилиб кетса.

НОСИРЖОН ака,
Қашқадарё вилояти.

НОҚУЛАЙ, ЛЕКИН МАЖБУРМАН

Қиз бола бировнинг хасми, деган гап бежиз айтилмаган. Лекин ҳар қандай қиз ўзи туғилиб ўсган хонадонда яхши тарбия кўрган бўлса, ўзға муҳитға кўникиши қийин кечмайди. Шуларни ўйлаб, мен ҳам икки қизимни воёға етгунига қадар уй юмушларидан тортиб, муомала маданиятиға қаттиққўллик билан ўргатдим. Пишириқларни ҳам эпласин дея уларға 12 ёшидан бошлаб овқат қилишни ўргатдим. Ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, битта эҳтиётсизлигим ортидан катта қизим Наргиза кўп азият чекди. У бир куни мен уйда йўқлигимда қатлама пишироқчи бўлибди. Товаға солаётган хамири қўлидан сирғалиб тушиб, қизиб турган ёғ ўнг юзига сачраб куйдириб юборибди. Кейин анчагача бу доғни йўқотиш мақсадида муолажалар қилдик. Барибир изи қолди. Шу сабаблими, ҳозир **32 ёшға** кирган бўлсам, унга ёши каттароқ, ажрашган кишилар совчи қўйди. У эса кўнмади. **25 ёшға** кирган кенжа қизимни кўп жойлардан сўраб келишди, у бўлса, йўқ, мен турмушға чиқиб кетсам, опам сиқилади, деб розилик берма-япти. Нима қилишним билмай қолдик. Аслида қизига куёв излаш ота-она учун қанчалар азоб эканлигини мендан ҳам яхшироқ биладиганлар орамизда учрайди. Лекин, на илож, ўзға чора йўқлиги боис сизларға мурожаат этишға мажбур бўлдим. Мени тушунасишлар деган умидданман. Фақат қизларимға билдирмай сизлар билан боғланыпман. Эшитиб қолишса, жуда хафа бўлишади. Наргизамни тушунадиган, ўзиникиға ўхшаш бирор нуқсонни бор йигит учраса, овоз берсин.

ФАРИДА опа,
Навоий вилояти.

АНДИША

Кўзда ҳам, сўзда ҳам бўлмаса

...Автобусда кетаётгандим. Ўриндиқлар тўла бўлгани учун навбатдаги бекатдан чиққан ёши улғурок онахонга жой берган ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамасидаги аёл ўртада тик туриб кета бошлади. Бироздан сўнг у орқа тарафга хавотирли ва ачиққанданган кўйи қараб-қараб қўя бошлади. Унинг бесаранжомлигини сезиб, мен ҳам ўша томонга қарадим. Орқа ўриндиққа ўтириб олган, ёши олтишлардан ошган бир киши аёлга шунақанги тикилардики... беихтиёр юрагим шув этиб кетди. Эракнинг кўзлари олма терар, аёлнинг бошидан оёғига қадар «тафтиш қилмоқчи» бўларди.

Аёл бунга тоқат қилолмади. Гарчи манзилига етмаган бўлса-да, навбатдаги бекатда тушиб қолди...

...Бозор оралаб юргандим. Дам олиш куни бўлгани учун бу ерда одам анча гавжум. Айланиб юриб, аёллар либослари билан савдо қилаётган дўконга кирдик. Сотувчи йигит экан. Кўйлак сотиб олаётган икки қиздан бири дўкон четига парда ортига ўтиб, харир матодан тикилган кўйлакни кийиб чиқди. Тор тикилган либос ичига «бир амаллаб кириб олган» қиз ўзини ойнага сола бошлади. Сотувчи йигит эса кўлларини белига тираганча қизга сўқ билан тикилар, тинмай кўйлакни асл мол эканини мижозга жуда ярашганини айтиб, тинмай жав-

раганча мақтарди. Кўзларида эса аллақандай қувлик, беҳаёлик, беандишаллик бор эди...

Юқоридаги хар икки воқеани ҳам анча вақт ўзимча хаёлан таҳлил қилиб юрдим. Не ажабки, айрим одамлар кўзида (аслида қалбида) андиша отлиғ нодир туйғунинг йўқолиб бораётгани мени жиддий хавотирга солди. Хўш, андишасиз-



ликка қарши чора борми ўзи? Афсуски, бу саволга жавоб топа олмадим.

Шу кўшнимнинг оиласига ҳам, чиройи-ю касбу қорига ҳам, уй тутими-га ҳам роса ҳавасим келарди. Болалари бир-биридан ширин. Назаримда, унинг бахтдан камчилиги йўқ.

Бир куни уни ўйлари олдидаги ўриндиқда, кўшни аёллар билан суҳбатлашиб ўтирганини кўрдим. Бироз кўнгили чигилини ёзиш истагида шу суҳбатга мен ҳам қўшилдим. Бир пайт ҳалиги аёлнинг қизи кўлидаги пистасини ер билан битта қилиб тўкиб юборди.

— Нима, кўзинг кўрми, ... га ўхша-



Ойна

май ўл! Шу кетишингда эртага ...

Унинг олти яшар қизчасига нисбатан айтаётган гапларини тилга олиб ҳам, қоғозга тушириб ҳам бўлмайди. Андишасиз онанинг бу ҳақоратлари-га қизалоқ ҳам кўникиб кетган чоғи, онасининг юзига бақрайиб қаради-да, «ажаб бўпти» деди ва қочиб қолди...

Ёш ҳаваскор шоира қизлардан бири байрам муносабати билан менга китоб совға қилди. Номии ёқди. Тезроқ мутолаа қилиш илнжида ишларимни тугатиб, ўқишга киришдим. Аммо саҳифаларни варақлаганим сайин ҳафсалам пир бўла бошлади. Китобда оилали аёлларнинг эрига қилган хиёнатлари қаламга олинган, энг ёмони, уларнинг бу қилғилиғи соф туйғу — муҳаббат билан ниқобланган, икки зинокорнинг дон олишишлари муаллиф томонидан висол деб аталарди. Булар ўқувчи кўнглини кир қилишдан бошқасига ярамасди, назаримда. Кейинчалик бошқалардан ҳам худди шундай фикрларни эшитдим.

Устозлар минг бор маъзур тутсинлар, янглишмасам, қаламқаш (ҳамма ни ҳам адиб ёки ёзувчи деб атаб бўлмайди) қўлига қалам бежиз берилмаган. Қалам билан бирга унинг елкасига халқ маънавиятини юксалтиришдек масъулият ҳам ортилган. Аммо кимдир буни юракдан ҳис қилди, ким эса қаламини тирикчилик ўтказиш қуроли деб билади.

Хуллас, ўша жимжимадор, китобхон эътиборини тортадиган ном берилган китобни ўқигач, битта хулосага келдим: сўзда ҳам андиша бўлмоғи керак экан! Сиз бунга нима дейсиз, азиз замондош?

МУШТАРИЙ

ЗАРАРНИ ҚОПЛАШИ ШАРТ

Мен 2002 йили Фарғона шаҳар марказидан ўзимнинг номимга ховли-жой сотиб олган эдим, лекин олди-сотди шартномасини ҳозирги кунга қадар тегишли давлат рўйхатидан ўтказганимча йўқ. Бу ҳол қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкин?

З.Зокирова,
Фарғона тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 481-моддасида белгиланишича:

«Кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар тарафларнинг кўчмас мулкни сотиш шартномасини бажариши уларнинг учинчи шахслар билан муносабатларини ўзгартириши учун асос бўлмайди.

Агар тарафлардан бири кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товласа, бошқа тарафнинг талабига биноан суд мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз равишда бўйин товлаётган тараф бошқа тарафнинг рўйхатдан ўтказиш кечикканлиги туфайли кўрган зарарини қоплаши шарт.»

Сиз сотиб олган ховли-жойингизнинг олди-сотди шартномасини тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказишингиз керак.

ЎЙМНИ ҚАЙТАРИБ ОЛМОҚЧИМАН

Мен, 2008 йили Россия Федерациясига шартнома асосида ишлагани кетган эдим. Фарғона шаҳар марказида жойлашган кўп қаватли уйда икки хонали квартирам бор эди. 2013 йилда Россиядан қайтиб келганимда ўз номимдаги мазкур хонадон менинг иштирокисиз сотилганидан хабар топдим. Энди ўйимни қандай қилиб ўзимга қайтариб олишим мумкин?

А.Собиров,
Қўштепа тумани.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 229-моддасига асосан:

«Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса, уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгаллигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли.» Шунингдек, мазкур моддада «Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулкдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли», деб белгиланган.

Ушбу ҳолат бўйича сиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгасиз.

Саволларга Фарғона шаҳар 2-сон ДНИ нотариуси Муқаддасхон ЭГАМБЕРДИЕВА жавоб берди.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

ПОЛВОНЛАРИМИЗ
СОВРИНДОР

Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Рашид Курбонов (-74 кг.) ва Рустам Аскалов (-85 кг.) Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган Олтин Гран-При турнирида совриндорлар сафидан ўрин эгаллашди.

Рашид Курбонов эркин кураш бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда кумуш медални кўлга киритган бўлса, Рустам Аскалов юнон-рум курашчилари беллашувида бронза медали билан тақдирланди.

РОНАЛДУ ЯНА ГОЛИБ

Goal.com интернет портали энг яхши футболчини аниқлаш борасида танлов ўтказди. Унга кўра «Реал» ҳужумчиси Криштиану Роналду энг яхши футболчи деб тан олинди.

Португалиялик футболчи учинчи бора бундай номга лойиқ топилган. «Мавсумнинг энг яхши футболчиси бўлгани мен учун шараф. Бунинг учун самимий миннатдорчилик билдираман.

Ишончим комилки, агарда «Реал»даги жамоадошларим ва барча мухлисларнинг мадади бўлмаганда бу совринни юта олмадим», дейди Роналду.

Goal.com танловиға кўра энг яхши футболчилар учлиги қуйидагича кўринишди:

1. Криштиану Роналду («Реал»)
2. Арьен Роббен («Бавария»)
3. Лионель Месси («Барселона»)
4. Филипп Лам («Бавария»)
5. Томас Мюллер («Бавария»)
6. Хамес Родригес («Монако»)
7. Луис Суарес («Ливерпуль»)
8. Тибо Куртуа («Атлетико»)
9. Артуро Видаль («Ювентус»)
10. Серхио Рамос («Реал»).

БОКСЧИ САҲНАДА
ҚЎШИҚ КУЙЛАДИ

Профессионал боксинг афсонавий «чарм кўлоқ» усталаридан бири америкалик Рой Жонс Латвия пойтахти Рига шаҳрида британиялик Кортни Фрай билан рингда тўқнаш келиб, бешинчи раундда техник нокаут билан ғалаба қозониб, World Boxing Union чемпионлиқ камарини кўлга киритган эди.

Ўзининг ғалабасидан кейин, Рой спортдан ташқари яна бир ёрқин иқтидорини намойиш этди. Эслатиб ўтамиз, Жонс нафақат боксчи, балки машҳур рэппер ҳамдир.

Беллашувдан сўнг, у «Янги тўлқин» номли мусика фестивалига тақлиф этилди ва саҳнага чиққач, танлиқ кўшиқларидан бири «Can't Be Touched»ни ижро этди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлезмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуну учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 15:00. Босишга топширилди - 15:00.



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилором
МАТКАРИМОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуру кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г
— 737. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади —
6744. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46